

МАТН АЛКИМЁСИ: ПАУЛО КОЭЛЬОНИНГ “АЛКИМЁГАР” РОМАНИДАГИ МИФОПОЭТИК КОДЛАР ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

Нодир Нематович Рахматуллаев

Ўқитувчи, PhD

Самарқанд давлат университети

+998943501108

nodirrahmatullaev777@gmail.com

***Аннотация.** мақола Пауло Коэльонинг Ж.Кэмпбеллнинг “мономиф” архетипик модели ва К.Г.Юнгнинг архетиплар назариясига мувофиқ яратилган “Алкимёгар” романи мифопоэтик таҳлиliga бағишланган. Асосий персонажлар ва бадий маконлар қаҳрамоннинг ўзлигини англаш мақсадидagi ботиний саёхатининг рамзий намоёни сифатида тадқиқ қилинган. Романнинг ўзбек тилига таржималарига алоҳида эътибор қаратилган ва уларда аслиятнинг фалсафий концептларига пурта етказадиган маъно йўқотишлари ҳамда ноаниқликларга йўл қўйилгани ойдинлаштирилган. Хулоса ўрнида бу каби матнларнинг таржимадаги талқинига пухта тайёрланиб, чуқур ўйлаб, масъулият билан ёндашмоқ зарулиги таъкидланган.*

КИРИШ.

Пауло Коэльонинг “Алкимёгар” романи (1988) бадий адабиёт ва фалсафий ривоят хусусиятларини ўзида мужассам этган ўзига хос ходиса. Асарнинг қозонган умумий муваффиқияти нафақат новаторона шакли, балки жамоавий онгсизликнинг туб, архетипик қатламларининг фаоллаштирилганлиги билан ҳам боғлиқ. Сюжет ва персонажларга диққат қаратиладиган анъанавий адабиётшунослик таҳлили ушбу асарнинг универсал жозибаси сабабларини очиш учун етарли бўлмайди. Мақоланинг долзарблиги мифопоэтик таҳлил усулининг қўлланишидан иборат бўлиб, у матн асосида ётувчи замон доирасидан чикувчи, мифологик структураларни ойдинлаштириш ва уларнинг табиати билан боғлиқ ҳолда таржима жараёнида юзага келадиган лисоний муаммоларни аниқлаш имконини беради.

Замонавий адабиётшуносликда мифопоэтика тушунчаси

Мифопоэтика бадий асар матнида мифологик онгнинг онгли ёки онгсиз тарзда воқелантиришга йўналтирилган адабий стратегия сифатида тушунилади. Бу мифологик сюжетлардан шунчаки фойдаланиш эмас, миф мантиғини: унинг даврий (такрорий)лиги, рамзийлиги, инсоннинг борлиқ қонуниятлари билан қўшилиб кетишини қайта яратиш демак. Мифопоэтик матн доирасида ҳаётини воқелик универсал маънолар билан тўйинган яхлит жонли космос сифатида гавдаланади.

Мифопоэтик таҳлил учун К.Г.Юнгнинг архетиплар – жамоавий онгсизликнинг универсал руҳий структуралари (Шарпа, Анима (аёл архетипи), Донишманд чол, Ўзлик ва бошқалар) тўғрисидаги таълимоти асосий ҳисобланади. Жозеф Кэмпбелл ушбу ғояларни ривожлантириб, “мономиф”га таъриф беради – қаҳрамоннинг уч муҳим босқичдан иборат саёхати ҳақидаги универсал сюжет: Йўлга тушиш (Даъват, даъватни инкор этиш, чегарани енгиб ўтиш), Ўзликни англаш (синовлар жараёни, илоҳий кучлар билан учрашиш, йўл (мақсад)дан чалғиш, ҳақиқатни англаш) ва Қайтиш (қайтишни инкор қилиш, сеҳрли халос бўлиш, магик воситани олиб келиш). Бундай модель кўплаб асарларнинг, шу жумладан, “Алкимёгар”нинг ҳам асос қурилмаси ҳисобланади.

Мифопоэтика контекстида алкимё протокимё сифатида эмас, балки маънавий эврилиш, ўзгаришнинг рамзий тизими деб қаралади. Кўрғошинни олтинга айлантиришдек “буюк кашфиёт” инсоннинг ўзлигини топиш ва англаш йўлидаги ботиний меҳнат-машаққатларининг метафорасидир.

Роман қаҳрамони андалусиялик чўпон йигит Сантьягони архетипик изланиувчи қаҳрамон ҳисоблаш мумкин. Унинг асар давомида босиб ўтадиган йўли Кэмпбелл мономифининг ҳам ҳақиқий, ҳам метафорик воқелиниши сифатида талқин қилинади. Йўлга тушиш: саргузаштларга даъват – хазина ҳақидаги такрорланувчи туш: “”; даъватни инкор этиш – иккиланишлар ва чўпон мақомига боғланиб қолиш: “”; чегарани енгиб ўтиш – қўйларини сотиб, Африкага бориш қарори: “”.

Ўзликни англаш: синовлар жараёни – пулларининг Танжерда ўғирлаб кетилиши, биллур сотувчи қўлида сабр ва эътиқодни талаб қилувчи хизмат; ёрдамчи персонажлар билан учрашув (Донишманд чол архетипи) – Салим шоҳи ва Алкимёгар; ҳақиқатни англаш – “олам тили”ни ўзлаштириш, саҳро, шамол ва қуёш билан суҳбатлашиш, Олам руҳига сингиш.

Қайтиш: эҳромларгача бориб, хазинани ташқи, моддий дунёдан эмас, ўз ботинидан – босиб ўтилган йўл маъносини англаш. Сеҳрли восита – “Шахсий афсона”: эгалланган билимлар демек.

П. Коэльонинг “Алкимёгар” романидаги персонажлар ва бадиий маконнинг рамзийлиги масаласига тўхталадиган бўлсак, қуйидаги мулоҳазаларни ўринли ҳисоблаймиз. Романнинг асосий барча унсурлари мифлаштирилган ва мустақил персонажлар ёки маконлар эмас, шахс маънавий йўлининг универсал манзарасини ташкил этувчи архетипик рамзий образлардир. Уларнинг таҳлили К.Г.Юнгнинг архетиплар назарияси ва мифопоэтик анъаналарга мурожаатни талаб қилади.

Юнгнинг таълимотига кўра Донишманд чол – рух, маъно ва донолтик архетипи. У инсоннинг ички “мен”и чегараларидан ташқарида бўлган билимларнинг тимсоли ва Ўзлик – қаҳрамон шахсининг яхлитлигини англашга йўл кўрсатувчи вазифасини бажаради. Ушбу архетип кўп ҳолларда қаҳрамон учун шартларни бажармайдиган, аммо “маънавий воситалар”ни тақдим этиб, йўлга бошлайдиган сеҳргар, шомон ёки устоз сиймоси билан боғлиқ талқин қилинади.

Устоз вазифасида Алкимёгар Сантьягонинг қўлидан тутиб етакламайди, балки йигит ўз донолигини намоён этиши зарур бўлган саволлар ва вазиятлар яратади: “”. Унинг табаит билан алоқасини “Олам тили”да сўзлай олиши, воқеликни ўзгартириш қобилятида кўриш мумкин. Мисол учун, ўз қудратини исботлаш мақсадида бўрон ва қуёш тутилишини келтириб чиқарадики, бу ҳам олам синоатдан хабардор сеҳргарларга хос эди. Алкимёгарнинг мақсади қаҳрамоннинг Ўзлигини уйғотишдан иборат. Сантьягонинг алкимёгарга айланишига кўмаклашиш, яъни ўз ҳаётини кўрқув ва иккиланишлар “кўрғошини”дан онгли тақдир “олтини”га айлантиришга ёрдам бериши зарур: “”.

Анима, яъни эркакнинг онгсизлик ҳудудидаги аёл архетипи бўлиб, Бокий Аёллик образи, руҳиятнинг туб қатламлари билан боғловчи халқадир. Бу муайян бир аёл эмас, балки эр кишини маънавий муҳаббат орқали ўзликка етакловчи ботиний тимсол. Мифларда у кўпинча қаҳрамонни муқаддас маконда кутаётган соҳибжамол киёфасида талқин қилинади. “Алкимёгар” асарида Фотима шундай тимсол бўлиб, Сантьяго уни саҳро ўртасидаги воҳа – мифологик “олам маркази”, синов майдонидаги ҳаёт маконида учратади. Бу ҳам унинг маиший эмас, рамзий табиятини далиллайди. Муҳаббат бунда эътиқоднинг бир шакли сифатида талқин қилинган: Фотима Сантьягони биринчи кўришишдаёқ тушунади ва унинг “Шахсий афсонаси”ни қабул қилади. Унинг севгиси йигитни тутиб турадиган занжирга айланмайди, аксинча, қўйиб юборади: “”. Аёл бу ерда манфаатлардан холи муносабатлар тимсоли ҳамдир. Бокий илинж ва рух (жон, қалб) билан алоқа рамзи десак ҳам тўғри бўлади: Сантьяго учун қайтса арзийдиган қалб манзили Фотима. Унинг сиймоси энг мушкул аҳволда ҳам йигитга қувват бағишлайди.

Мазкур романда саҳро синовлар ва ваҳийни англашнинг мифологик маконидир. Мифологик ва диний-фалсафий анъаналарда саҳро – тарки дунёчилик, эски “мен” ўлиши ва янгиси туғилишининг жойи. Бу чегара, остона макони бўлиб, унда ижтимоий киёфалар ва шартлиликлар йўқолади, инсон Яратган билан, Борлиқ ёки ўзининг онг ости билан ёлғиз қолади. Бу ерни маънавий-руҳий алкимё учун тажрибахона десак муболаға бўлмайди – Сантьягони саҳро ҳам жисмоний, маънавий поклайди. У

моддиятдан айрилади (Танжердаёқ пуллариини ўғирлатиб қўяди) ва энг муҳим моҳият билан қолади – мақсад ва эътиқод. Борлиқ билан суҳбат макони сифатида ҳам саҳро муҳим вазифа бажаради. Айнан шу ерда Сантьяго чин маънода “белгилар тили”ни ўқишни ва ўқишни ўрганади ҳамда табиат кучлари билан суҳбатга киришади. Саҳро, шамол ва қуёш билан сўйлашиб, ўзи ҳам “шамолга айланади”. Шунингдек, саҳрони алкимёгарлар қозони сифатида ҳам талқин қилиш мумкин: ташналик, уруш ваҳимаси, қуёш жазирамаси каби синовлар таъсирида оддий чўпон маънавий изланувчига айлантиради.

Эҳромлар муқаддас макон, илоҳий марказ тимсоли ва шу билан бирга олий мақсаддир. Қадимги Миср, Месопотамия, Қадимги Ҳинд ва шулар каби бошқа маданиятларда тоғлар, эҳромлар само билан заминни боғлаб турувчи олам ўқининг рамзлари, илоҳий кучлар намоёни манзили саналган. Бу олий мақсад, маънавий юксалиш метафораси. Ўзликни англаш контекстида ўз шахсий марказини топиш рамзи сифатида тушунилиши ҳам мумкин. Роман воқеалари давомида эҳромлар Сантьяго саёҳатининг ташқи, моддий мақсади, ўзи ишонганидек, хазина кўмилган жой. Эҳромларга етиб келиб, қаҳрамон хазина топмайди, янги хавфли вазиятга тушади (қароқчилар асирга айланади). Бироқ улардан бирининг тилидан ўз тушининг таъбирини эшитиб қолади: қароқчи Испанияда, чўпонлар ўз подалари билан ухлайдиган черков ёнида кўмилган хазина тўғрисидаги туш. Буни рамз инверсиясининг асосий нуқтаси дейиш мумкин: муқаддас макон ташқи йўл бошлаган жой эмас, шу йўл бошланган манзил экан. Шу тарзда эҳромлар якуний нуқтани эмас, ўзи ҳақидаги улуғ ваҳийнинг идроки маконига айланади. Қаҳрамон ҳақиқий хазина зоҳирий нарса эмас, аксинча, ўз ўзгартирган руҳи эканини, у ҳамиша ўзи билан бирга бўлганини, лекин уни кўриш учун “олам ўқи”гача бориб, қайтиши зарур бўлганини англайди.

“Алкимёгар” романида персонажлар ва макон рамзийлари ҳар бири бир мақсадга – қаҳрамонни ўзликни англаш босқичларидан олиб ўтишга хизмат қиладиган тизимга солинган. Зоҳирий саёҳат, саргузашт ботиндаги босилган йўлни акс эттирса, шу йўлда учрайдиган архетиплар чин моҳитни англаб етишга етаклаган ўз руҳиятига дахлдор кучлардир.

Юқоридаги таҳлил ва талқинлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, “Алкимёгар” романини ўзга тилларга ўғиришда таржимон ўзига хос муаммоларга дуч келиши табиий. Энг асосий муаммо сифатида, мисол учун ўзбек концептосферасида аниқ муқобилига эга бўлмаган тушунчаларнинг таржимасини беришдир.

2023 йили “Ўзбекистон” нашриётидан чиққан “Алкимёгар” романини рус тилидан Азиз Саид ўзбек тилига ўғирган. Таржимоннинг жараёнда ўзи дуч келган масалаларга ечим топишга урингани яққол сезилади ва айрим ҳолатларда бу ечимларни унинг ютуғи, бошқаларида эса бадий матндаги йўқотишлар сифатида баҳолаш мумкин.

Мисол учун асарга эпиграф қилиб олинган муқаддас битикдаги куйидаги парча таржимасини таҳлил қилиб кўрамиз:

“Марфа же заботилась о большом угощении и, подойдя, сказала: Господи! или Тебе нужды нет, что сестра моя одну меня оставила служить?

скажи ей, чтобы помогла мне.

Иисус же сказал ей в ответ: Марфа! Марфа! ты заботишься и суетишься о многом, а одно только нужно; Мария же избрала благую часть, которая не отнимется у нее.

Евангелие от Луки, 10:38–42”.

Аҳмад Отабой таржимасида:

“Марфа эса тайёргарчилик ишлари билан жуда овора эди.

Ниҳоят у Исо ёнига келиб:

— Ҳазрат! Синглим бир ўзимни хизматда қолдириб қўйганига эътибор бермаяпсанми? Унга айтгин, менга ёрдам берсин! — деди.

Исо унга шундай жавоб берди: — Марфа, Марфа, бунча уриниб ташвишланмасанг! Зарур бўлган биттагина иш бор. Марям эса ўзи учун яхши улушни танлади ва бу ундан тортиб олинмайди.

Лука баён этган Муқаддас

Хушхабар, 10:38-42”.

Азиз Саид таржимасида:

“Марфа катта меҳмондорчилик тадориғини кўради ва яқин келиб деди: – Ҳазратим! Синглим хизмат қилишни менинг бир ўзимга қолдирди. Сенинг бунга муҳтожлигинг йўқми? Унга айт, менга ёрдам берсин.

Исо унга жавобан шундай деди:и – Марфа! Марфа! Сен кўп нарсаларнинг ғамини еяпсан ва куйиб-пишяпсан, аслида битта нарса керак: Марям эса хайрли улушни танлади, у бундан маҳрум қилинмайди.

Инжил, Лука 10:38-42”

Кўриниб турибдики, икки таржимоннинг рус тилидаги матнга муносабати турлича. Аҳмад Отабой рус тилидаги “большое угощение” (луғат бўйича таржима қилинса “катта зиёфат”) сўзларини “тайёргарчилик”, “ты заботишься и суетишься о многом, а одно только нужно” жумласини “бунча уриниб ташвишланмасанг! Зарур бўлган биттагина иш бор”, “Мария же избрала благую часть” жумласини “Марям эса ўзи учун яхши улушни танлади”, “Евангелие от Луки, 10:38–42”ни “Лука баён этган Муқаддас Хушхабар, 10:38-42” деб ўгирган.

Азиз Саид эса худди шу сўз ва жумлаларни “катта меҳмондорчилик тадориғи”, “Сен кўп нарсаларнинг ғамини еяпсан ва куйиб-пишяпсан, аслида битта нарса керак”, “Марям эса хайрли улушни танлади”, “Инжил, Лука 10:38-42” деб таржима қилган. Рус тилидаги матннинг маъносидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, асарни ўзбек тилига ўгирган таржимонлар инжилий бу воқеа моҳияти ҳақида бош қотириб ўтиришмаган: камбағаллар кулбаси, демак катта меҳмондорчилик рамзий, португал тилида ёзилган аслият бўйича Марфанинг ҳар хил ишлар билан машғуллиги ва беҳаловатлиги инсон дунёвий ташвишларининг метафораси, португал тилидаги аслиятда сен беҳаловатсан ва кўп нарсаларнинг ташвишини қияпсан дегани инсон дунёвий ташвишлар билан илоҳий мақсаддан чалғиётганини англатса, Мария ўздан ҳеч қачон тортиб олинмайдиган улушни танлагани, илоҳий муждалар савоби тушунчасини беради. Бизнингча, Аҳмад Отабойнинг “бунча уриниб ташвишланмасанг! Зарур бўлган биттагина иш бор”, Азиз Саиднинг “Сен кўп нарсаларнинг ғамини еяпсан ва куйиб-пишяпсан, аслида битта нарса керак” каби таржималари хато ва маъно-моҳиятга путур етказди.

Бошқа бир парча таржимасини олайлик. Рус тилида:

“Существует три типа алхимиков, — ответил он. — Одни тяготеют к неопределенности, потому что сами не владеют своим предметом. Другие знают его, но знают также и то, что язык алхимии направлен к сердцу, а не к рассудку.

- А третьи? — спросил я.

- Третьи — это те, кто и не слышал об алхимии, но кто сумел всей своей жизнью открыть Философский Камень”.

Азиз Саид “Одни тяготеют к неопределенности” жумласидаги тяготеть сўзини (луғатда – интилмоқ, қизиқмоқ, мойиллик) “судралмоқ” тарзида ўгирганки, бу унинг таржимада тажрибаси етишмаслигини кўрсатади: “Алкимёгарларнинг уч тоифаси бор, - деб жавоб берди у. Биринчиси, фақат мавҳумлик томон судралади, чунки ўз фанини ўзи билмайди. Кейингиси, билади, лекин уларнинг алкимё тили қалбга эмас, ақлга йўл излайди.

- Учинчи тоифаси-чи? – сўрадим мен.

- Учинчиси – алкимё ҳақида умуман эшитмаган, аммо ўз ҳаётлари билан Ҳикмат

Тошини ярата олганлардир”.

Юқоридаги хатодан ташқари таржимон “предмет” сўзини фан, “открыть Философский Камень” жумласини Ҳикмат Тошини яратиш мазмунида таржима қилгани ҳам бадий таржима масъулиятини ҳис этмаслик сифатида баҳоланади. Зеро, бу ерда предмет соҳани, отрыть эса кашф қилмоқни билдириб келаяпти.

Бундан ташқари, бизнингча асарнинг “Муқаддима” қисмидаги афсона ёки ривоят дейилган Нарцисс воқеаси (бу Қадимги Юнон мифи эканлигини ҳисбга олсак, персонаж исмини шундай

қолдирган тўғри) Наргиз ҳақидаги ривоят деб, таржимон “таржиманинг таржималиги сезилиб туриши керак” (Д.Қуронов) қоидасига амал қилмайди. Бундан ташқари, “перелистывая ее, наткнулся на историю о Нарциссе” жумласини Аҳмад Отабой “уни варақлаб, туйқусдан нигоҳи Наргис ҳақидаги ривоятга тушди” деса, Азиз Саид “уни варақлаётим, ўз-ўзига ошиқ бўлган гул – Наргиз ҳақидаги ривоятга кўз тушди” деб ўзидан ортиқча маълумот кўшиб таржима қилади. Бу ҳам Азиз Саиднинг ўз ишига масъулятсиз эканидан дарак беради. Бундай ҳолатлар бугунги таржима жараёни ва маҳсулотлари жиддий назоратда бўлиши зарурлигини кўрсатмоқда.

Албатта, бир романнинг мифопоэтик таҳлили ва талқинини амалга ошириш, асар бадий матнининг ўзбек тилига таржимасини қиёсий ўрганиш учун мақола доирасидаги тадқиқот кўлами торлиқ қилади. Бу мавзу ўзининг кенг ва катта тадқиқини кутмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Пауло Коэльонинг “Алкимёгар” романи яхлит мифопоэтик матн бўлиб, структураси ва образлар тизими универсал архетиплар (Кэмпбеллнинг “мономифи”, Юнг архетиплари) ҳамда алкимёга хос рамзий кодлардан яратилгандир. Бу каби кўп сатҳли асарни тўғри таржимаси таржимондан лисоний билим-тажрибадан ташқари, асарнинг фалсафий-маданий контекстига кириб бора олишни талаб қилади. Ўзбек тилига қилинган таржималар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, муҳим концептларни соддалаштириш, мифологик ва диний аллюзияларни беришдаги ноаниқликлар маъно йўқотишларига олиб келган. Бу каби матнларнинг таржимадаги талқинига пухта тайёрланиб, чуқур ўйлаб, масъулият билан ёндашмоқ зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юнг, К. Г. Архетип и символ / К. Г. Юнг. — Москва : Ренессанс, 1991. — 304 с.
2. Кэмпбелл, Дж. Тысячеликий герой / Дж. Кэмпбелл. — Москва : София, 2020. — 352 с.
3. Мелетинский, Е. М. Поэтика мифа / Е. М. Мелетинский. — Москва : Наука, 1976. — 408 с.
4. Элиаде, М. Азиатская алхимия / М. Элиаде. — Москва : Янус-К, 1998. — 604 с.
5. Arakelova, A. The Alchemist: A Fable About Following Your Dream / A. Arakelova // Journal of Religion and Culture. — 2019. — Vol. 13, No. 2. — P. 45–59.
6. Morais, F. O Mago: A incrível história de Paulo Coelho / F. Morais. — São Paulo : Planeta, 2020. — 480 p.

Бадий манбалар

7. Коэльо, П. Алхимик / П. Коэльо; пер. с португ. А. Богдановского. — Москва: АСТ, 2021. — 224 с.
8. Коэльо, П. Алхимёгар / рус тилидан А.Саид тарж. — Тошкент: “Ўзбекистон” NMIU, 2023. — 168 б.